



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING  
BUYRUG' I**

20 19 yil "29" 10

№ 589

Toshkent sh.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотлари  
томонидан кўрсатилаётган пуллик тиббий хизматларни янада  
такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 6 февралдаги 55-сон “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ва 2017 йил 14 октябрдаги 826-сон “Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказининг намунавий уставини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган пуллик тиббий хизматларни янада такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил этиш Маркази (К.Эшназаров) ва Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати Маркази (Б.Алматов):

бир ой муддатда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган пуллик тиббий хизматларнинг умумлаштирилган рўйхатини шакллантирсин;

бир ой муддатда, пуллик тиббий хизматларнинг умумлаштирилган рўйхатига мувофиқ республика бўйича ҳудудлар кесимида пуллик тиббий хизматлар нархларини таҳлил қилсин ва нархларнинг бир-биридан фарқ қилиш сабабларини ўргансин;

икки ой муддатда, шакллантирилган рўйхатга мувофиқ, пуллик тиббий хизматлар нархларининг ҳудудлар бўйича бир-биридан фарқ қилиши мумкин бўлган рухсат бериладиган чегарасини белгилаш бўйича таклиф киритсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, тиббиёт

олийгоҳлари ва уларнинг филиаллари, Республика тасарруфидаги тиббиёт ташкилотлари, шу жумладан Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ҳамда Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати Маркази раҳбарлари мазкур буйруқ ижросини таъминлаш юзасидан Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил этиш Марказига амалий ёрдам кўрсатсин, зарур бўлган ҳолларда тегишли маълумотлар тақдим этсин ва мутахассислар ажратилишини таъминласин.

3. Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил этиш Маркази (К.Эшназаров):

пуллик тиббий хизматларнинг рўйхатига мувофиқ белгиланган пуллик тиббий хизматларни ташкил этилиши, нархларини белгилаш ва тушган маблағлардан тўғри фойдаланиш масалалари бўйича доимий мониторинг ташкил қилсин ва ижросини назоратга олсин;

умумлаштирилган пуллик тиббий хизматларнинг рўйхати доимий равишда янгилаб турилишини таъминласин;

зарур ҳолларда, пуллик тиббий хизмат нархларининг ҳудудлар кесимида бир-биридан фарқ қилишининг омилларини бартараф қилиш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига таклифлар киритсин;

тасдиқланган нархномаларнинг амалда қўлланилиши, кўрсатилган хизматларга тўланган маблағларнинг ўрнатилган тартибда кирим қилиниши, бюджетдан ташқари тушадиган маблағларнинг прогноз параметрларини бажарилиши доимий назоратга олинсин ва режадан ташқари мониторинглар ўтказиб борсин.

4. Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (Б.Алматов):

ДСЭНМларининг пуллик хизмат кўрсатиш калькуляциялари умумлаштирилган рўйхатига мувофиқ, республика бўйича ҳудудлар кесимида келишиб берилиши таъминлансин;

мазкур буйруқ ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил этиш Марказига маълумот киритиб борсин.

5. Мазкур буйруқнинг ижро назорати вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Юсупалиев зиммасига юклатилсин.

Вазир

А.Шадманов